



**АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР
БУХОРИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛК
ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ҲАМДА
ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ ИЛМИЙ-
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ
ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

ТЎПЛАМИ

Бухорои шариф - 2022



**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**“ШАРҚ ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИ ВА БУХОРИЙЛАР МЕРОСИНИ
ЎРГАНИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ”
МАРКАЗИ**

**“АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ
МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛҚ ШАРҚ
РЕНЕССАНСИ ҲАМДА ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
ТЎПЛАМИ**

2022 йил 16-17 июнь

Бухорои шариф – 2022

Аҳмад ибн Ҳафс Кабир ал-Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ ренессанси ва Ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамияти / халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. 16-17 июнь 2022 йил.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бобир Бахриевич НАМОЗОВ – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

Ҳакима Юсуповна САЛОМОВА – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

Абдуҳаким Зиёитдинович ШАРИПОВ – Бухоро давлат университети ҳузуридаги Педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

Ҳусен Хайруллоевич ДЖУРАЕВ – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Зубайдилло Ибодиллаевич НАРЗИЕВ – Бухоро давлат университети Сиртқи таълим йўналиши декани, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ҳурматли мақола ва тезис муаллифлари!

Тўпламга киритилган мақолаларнинг савияси ва камчиликлари, плагиат учун муаллифларнинг ўзи масъул ҳисобланишини эслатамиз.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 2 мартдаги 101-Ф-сон фармойишига асосида
ўтказилмоқда.

АННОТАЦИЯ:

Мазкур халқаро илмий-амалий анжуман, Абу Ҳанифа асос солган ҳанафийлик мазҳаби VIII аср ўрталарида, унинг ҳаётлик чоғиданоқ тарқала бошлаб, ушбу асрнинг охирларида бошқа ўлкалар, жумладан, Мовароуннаҳрга ҳам етиб келган. Бухорода Фикҳ мактабига асос солган Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг (150/768-216-17/832) мероси ва унинг илк Шарқ ренессанси ҳамда ислоҳ фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган. Мазкур тўпلامдан хорижий мамлакатлар ҳамда Республикамиздаги нуфузли олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар, диний таълим муассасалари мударрислари ва магистрантларнинг тезис мақолалари илмий-назарий изланишлари ўрин олган.

АННОТАЦИЯ:

Эта международная научно-практическая конференция показала, что секта ханафизма, основанная Абу Ханифой, начала распространяться с середины VIII века, еще при его жизни, и в конце этого века достигла других стран, в том числе Мавераннахра. Абу Хафс Кабир Бухари, который основал школу фикха в Бухаре (150/768-216-17/832), его роль и значение в создании научно-теоретических основ раннего Восточного ренессанса и исламской философии. В данном сборнике собраны тезисные статьи и научно-теоретические исследования профессорско-преподавательского состава, научных исследователей, руководителей религиозных образовательных учреждений и магистрантов престижных университетов зарубежных стран и Республики.

ANNOTATION:

This international scientific and practical conference showed that the Hanafi sect founded by Abu Hanifa began to spread from the middle of the 8th century, during his lifetime, and at the end of this century reached other countries, including Maverannahr. Abu Hafis Kabir Bukhari, who founded the school of fiqh in Bukhara (150/768-216-17/832), his role and importance in creating the scientific and theoretical foundations of the early Eastern Renaissance and Islamic philosophy. This collection contains abstract articles and scientific and theoretical studies of the teaching staff, scientific researchers, heads of religious educational institutions and undergraduates of prestigious universities of foreign countries and the Republic.

МУНДАРИЖА

	Аннотация.	3
Зарипов Б.К.	Табрик сўз.	4
Ҳамидов О.Х.	Абу Ҳафс Кабир Мовароуннаҳр уламоларининг устози.	5
Timur Kocaoglu	Илмий-амалий анжуманимиз меҳмонлари	6
Воҳидод Ш.Ҳ.	Ижтимоий гуманитар фанларнинг инновацион-интерактив усуллари.	7
Вильданова Г.Б.	Религиозно-философский взгляд на социальную работу.	9
الدكتور. عبید محمد عبد الحليم عبد الجواد	جامعة القاهرة الدكتور. بابر نمازوفف. جامعة بخاري ملخص البحث :	14
Dr. AKHLAQUE A.A.	Naqshbandi Silsila In Timurid India	19
ASLI Orunbayev	Ittifoq va taraqqiyot tashkilotning asos va siyosiy tuzilishi	22
Иноятлов С.	Бухоро жаҳон ислом олами маданияти ўчоқларидан биридир: тарих ва бугун	26
Ҳайитов Ш.А.	Саудия Арабистонидаги “Бухорий”ларнинг маънавий мероси ҳақида айрим мулоҳазалар	30
Олимов С. Раҳимов К.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий таваллуд тўйини ўтказайлик.	32
Наврўзова Г.Н.	Бухоро тасаввуфшунослик мактабининг асосчиси	37
Холмуминов Д.М.	Сравнительное суфиеведение – как методология по изучению истории и философии суфизма	43
Альмеев Р.В.	Святые места Бухары: мазар Хазрата Ходжа Мухаммада Порсо в Бухаре и его вклад в мировой успех духовного братства Накшбандийа	49
Тўхсанов Қ.Р.	Муҳаммад Исҳоқ Шавкат Бухорий	54
Хандамова М.А.	Абу Райҳон Берунийнинг маърифатли жамият ҳақидаги ғоялари.	59
Саломова Ҳ.Ю.	Фалсафа ва социология тарихига улкан ҳисса қўшган олим	62
Саломова Ҳ.Ю.	Ибн Сино ва уларнинг сеvimли устозлари	64
Каримов С.	Шарқ ренессансининг тасаввуфий илдизлари	71
Джураев Ҳ.Х.	Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Ал-Бухорий қадамжоси тарихи: кеча ва бугун	76
Нарзиев З.И.	Абулҳасан Ҳужвирий қарашларида тасаввуф антропологияси ва инсон борлиги муаммолари	79
Асророва Л.Қ.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий ёхуд ислом динини ўргатувчи муаллим.	89
Иноятлов А.Х.	Буюк устоз ва буюк шогирд.	93
Намозов Б.Б.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳақида баъзи мулоҳазалар	95
Раҳимов К.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий – Мовароуннаҳр фақиҳи ва Бухорони “қуббат ул-ислом” этган аллома.	99
Баротовна М.Н.	Святые места поклонения Бухары (мазар Хазрати Имам).	108
Қаюмова А.Т.	Ибн Халдуннинг илмий - фалсафий қарашлари.	110
Джураев Ҳ.Х., Хайруллоев С.Ҳ.	Бухоро ва Самарқанда қоғоз ишлаб чиқариш тарихи ва қоғоз ҳақида улуғларнинг пурҳикмат сўзлари.	113
Мирзақулов Б.Т.	Бухорий мутафаккир олимлар.	116
Зойиров Э.Х.	Яъкуби Чархий рисоалар таснифи.	119
Қиличев Р.Э.	Исломда қулчилик ва қулга муносабат.	122
Бобожонов Ш.У.	Бухоро воҳасидаги шифобахшлик хусусиятига эга зиёратгоҳлар.	125
Султонова С.Ю.	Диннинг умуминсоний қадрият сифатидаги ўрни.	127
Хўжанова Т.Ж.	Миллий қадриятларнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни	129
Хўжанова Т.Ж.	Ёшлар тарбиясида Имом ал-Бухорий ҳадисларининг ўрни.	135
Болтаев А.А.	Ибн Арабийнинг “Рисолаи вужудия” асарида борлиқнинг моҳияти тўғрисида.	141
Шарипова О.Т.	Абдухолик Ғиждувоний рубойларида тасаввуф мақомлари ва хожагон тасаввуфий тариқатида интуитив билиш ҳақида	145
Жалолов О.О.	Роль рекламы в развитии деятельности туристических организаций	150

Utayeva F.X.	Buxoro IP-yigiruv fabrikasida kutubxona, sport to'g'araklari faoliyati.	357
Исаев Й.	Муҳаддис Бужайрийнинг ҳадис илмида тутган ўрни.	360
Umarova M.S.qizi	«Shajarayi Turk» asari bo'yicha sharq va g'arb olimlarining olib borgan tadqiqotlari.	363
Fayzieyev I.SH.	Tarix- kelajak kaliti	367
Меликова М.Н.	Философский анализ концепции совершенной личности в накшбандизме	369
Norova M.F. Khudoykulova M.	Views On Humanity In Kubravian Doctrine	373
Eshmamatov B. Rahmatov F.	Nemis tili darslarida zamonaviy pedtexnologiyalardan foydalanish	375
Эшпулатов И.С.	Ибн Сино фалсафаси ва унинг инсон камолодаги аҳамияти	377
Rahmonova D.	Nemis klassik falsafasi vakillarining ijtimoiy qarashlari	380
Файзиходжаева Д.И.	Болтаев М. Мантқиқшунос олим	382
Файзиходжаева Д.	Шайх Юсуф Ҳамадоний: инсон ва коинот алоқадорлиги	384
Мухсимов Д.	Тасаввуф таълимоти ва уни ўрганиш масалалари.	387
Намозова К.Б.	Замонавий тилшуносликда тўй маросимлари лексикаси миллий-маданий хусусиятларининг ўрганилиши.	390
Bahriyeva Aziza	O'quvchilarda ma'naviy-axloqiy sifatlarni tarbiyalash pedagogik muammo sifatida.	394
Сафарова Н.О.	Ҳанафинияда бағрикенгликнинг фикҳий асослари	397
Ражабова Д.Я.	XIX аср 2-ярми-xx аср бошларида Бухоро ислом конфессиясидаги ихтилофлар хусусида	400
Ҳакимхўжаев М.М. Усмонходжаева М.А.	Фалсафа илмида имманиул Кантнинг ўрни.	403
Шамсутдинова Н.К.	Идейно- теоретические и философские принципы Абу Али Ибн Сины в развитии мусльманской культуры.	405
Бешимов Б.И.	Терроризмнинг ривожланиш динамикаси ва дискурс концепти ҳамда унга қарши курашда аждодлар меросидан фойдаланиш масаласи	409
Shirinov A.Q.	Issues Of Human Development In Central Asia: Country Analysis Of Uzbekistan	411
Сативалдиев Пулат	Ватанпарварликда ворисийликнинг онтологик моҳияти.	414
Альмеев Р.В.	Святы́е места Бухары: мазар Хазрата Ходжа Мухаммада Порсо в Бухаре и его вклад в мировой успех духовного братства Накшбандийа.	415
Исомиддинов Й.Ю.	Фитрат фалсафий меросида гуманистик ғоя ва қарашлар таҳлили. (Абдурауф Фитратнинг “Мухтасар ислом тарихи асари” мисолида)	421
Узақова Л.А.	Алишер Навоий ижодида диний бағрикенглик масалалари	424
Voltayev V.V.	Abu Hafs Kabir – Imom Hojatbaror	425
Каримов Б.Ш.	Муҳаммад Назарович Болтаевнинг миллий социологияни ривожлантиришдаги ўрни ва роли.	428
Саданова Д.А.	Жамият тараққиёти: илмий-назарий ёндошувдаги ўзига хосликлар.	433
Раупова Р.С.	Хожа Исмаил Бухорий меросининг ахлоқий-тарбиявий жиҳатлари ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни.	436
Ғафуров Д.О.	Оила ва никоҳда исломий муносабатлар тасаввуфий таълимотлар асоси	438
Султонова Н.Э. Султонов Ш.Ж.	Ўзбекистон Республикасида гендер тенглик стратегияси ва аёлларнинг кадр-қиммати масалалари.	441
Бозорова Р.Ш.	“Меҳр” тушунчасининг фалсафий таҳлили	444
Рашидов О.Р.	Ўзбек адабиётида миллий зиёлилар ҳамда большевиклар ўртасидаги мафкуравий кураш	446
To'rayeva G.B.	Suxareva O.A. tadqiqotlarida O'zbekistonda islom dini bilan bog'liq an'analar tahlili.	449
Ҳамзаев Ш.А.	Хожа Аҳмад Яссавий илмий-ижодий меросининг ўрганилиши	451
Шодиев Ж.Ж.	Маърифатли жамият ва ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш орқали инсон қадрини оширишга эришиш	454

ҳам, нирванани ҳам кўрган одам йўқ, аммо кишилар қалбида улар нимагадир, қандайдир пок ижтимоий макон борлигига ишониб яшашга ишонч уйғотган. Жамият тараққиёти аслида ана шундай ишонч орқали таъминланган.

Жамият тараққиётини антропологик талқин этиш замонавий ижтимоий-фалсафий таълимотлар ичида энди устувор ёндашишга айланиб бормоқда. Унинг негизида либерал демократик ғоялар ётади. Маълумки, либерал демократик ғояларнинг вужудга келиши ва ижтимоий ондан ўрин олиши И. Кант, Гегель, Монтескье, Локк илмий фалсафий ва ҳуқуқий мероси билан боғлиқ. Инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини жамият тараққиёти марказига қўйиш масалалари ана шу файласуфлар асарларида муҳокама қилинди. Илмий адабиётларни ва реал ҳаётни кузатиш кўрсатадики, либерал демократик ғоялар тўла қарор топган жамият ҳали учрамайди, ҳатто АҚШ ва Европа давлатларида ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш муаммолигача қолмоқда. Европа давлатларида вақти-вақти билан ўтказилаётган оммавий намойишлар, ёшларнинг майдонга чиқишлари, меҳнатга яраша ҳақ олишга интилаётган омма, халқ норозиликлари жамият билан инсон, ижтимоий тараққиёт билан шахс манфаатлари ўртасида зиддиятлар сақланиб қолаётганини кўрсатади. Мазкур зиддиятни бартараф этишнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари ишлаб чиқиляётган, жамият тараққиётига тадбиқ этиляётган бўлса-да, ҳар бир давр уларга ўз тузатишларини, ўзгаришларини киритмоқда.

ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ МЕРОСИНING АХЛОҚИЙ-ТАРБИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИING ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ Раъно Соҳибовна РАУПОВА

*Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбаишунослиги, фалсафа” кафедраси
ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

*“Шарқ тиллари таълими ва бухорийлар меросини ўрганиши” илмий-тадқиқот маркази
аъзоси.*

Жаҳон илм фанига дунё фалсафий тафаккури тараққиёти ва тамаддунида Шарқ халқлари бекиёс урни бор. Инсониятнинг умумбашарий адабий меросига ажодларимиз қушган улуш ниҳоятда улкан. Темурийлар даврида етишиб чиққан йирик алломалар меросининг марказида инсон ва унинг камолоти, жамият маънавий ҳаётидаги ҳамжиҳатлик, касб кор эгаллаш, ҳалол меҳнат қилишга ундовчи ғоялар муҳим ўрин тутди. IX-XII асрларда рўй берган Ренессанс ҳодисаси бу даврни ўзига хос тарзда озиклантирди. Мовароуннаҳрда нафақат диний илмлар балки дунёвий фанлар ривожланиши учун ҳам замин ҳозирланди.

Хожа Исмаатнинг дунёқарашини у яшаб фаолият кўрсатган XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмида ижод майдонида Мовароуннаҳр ва Хуросонда яратувчилик билан шуғулланган замондош шоирларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий, ахлоқий-фалсафий қарашларидан ажратиб олган ҳолда талқин қилиш мумкин эмас. Чунки бир масканда, бир хил маънавий-маданий муҳитда яшаган мутафаккирларнинг ҳаёт, инсон, уни ўраб олган мавжудот, атрофда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларга нуқтаи назарининг турлича бўлишини ақлга сиғдириш душвор. Хусусан, табиатнинг олий хилқати инсон тақдири устида бош қотирувчи, уни руҳий-маънавий балоғат пиллапояларида кўриш орзуси билан нафас олувчи ижод аҳли хусусида шундай гапни айтиш жоиздир.

Умрининг катта қисмини илоҳий-ирфоний пирларнинг ватани бўлган Бухоро ва Самарқандда ўтказган Хожа Исмаатнинг дунёқарашини ҳам мулки борлиқнинг яратувчиси, синчков нигоҳбони Тангри таолонинг мўъжизаларидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Мутасаввиф шоирнинг дунёқарашини бир жиҳатдан исломий таълимот, яъни тасаввуфга таянади. Тасаввуф тариқатлар воситасида инсонларда Пайғамбаримиз амал қилган ахлоқни тарбиялаб босқичма-босқич олий камолот даражасига етказди. Эътиқод, иймон, ибодат инсонни руҳан поклайди, қалбига ва руҳига осойишталик бахш этади. Тариқатга кирмасданок, шариат талабларини бажарган инсон маънавияти етук шахс

бўлиб шаклланиши мумкин. Юксак инсоний сифатларга эга бўлган одам, Аллоҳнинг сифатларини чуқурроқ идрок этиш, англаш, ҳикматларини тушуниш учун тасаввуф тариқатига кириши лозим бўлган. Тасаввуф таълимоти ва сўфийларнинг асосий мақсади суҳбат эмас, балки жамиятда йўқолиб бораётган, эътиқод, инсонийлик, поклик, ҳалолликни энг асосийси гўзал ахлоқни сақлаб қолишни тарғиб қилиш бўлган. Шу мазмунда, хусусан, нақшбандия тарафдорлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар¹; Тасаввуф жамиятда диний-ахлоқий муносабатларини энг тўғри, энг яхши, манфаат туйғусидан йироқ бўлган ҳолда тартибга солгани ва таълим бергани учун ҳам севилади. Ахлоқ тарбиясини тасаввуф таълимотдан ўрганиш мумкин. Жамиятда комил инсон тарбиясида сўфийлар иймонсизликка, муқаддас маънавиятимизга ҳурматсизликка, инсон дилининг ранжишига, умуман жамики адолатсизликка қарши курашувчи тарғиботчилар бўлган. Хожа Исмаил Бухорийнинг ўз даври учун илгари сурган ахлоқий қарашлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шоирнинг тасаввуфий-фалсафий қарашлари ўзининг пешқадам ғоялари билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда, у Аллоҳни инсон қалбида, унинг юрагида, деб тушунади. Бу Баҳоуддин Нақшбанднинг фалсафий таълимотидаги тасаввуфий қарашлари билан ҳамоҳангдир. Фикримизнинг далилини мутасаввиф шоирнинг қуйидаги шеърларида кўрамиз:

Ҳижрон накашед, бадии ғами васл чи донед,
То дард набинед, даворо нашиносед.
Эй аҳли ибодат, ҳама дар ишқ накўшед,
Гар саждаю сатҳи худоро нашиносед.²

Кўриниб турибдики, Аллоҳни танимоқ учун банда унга интилиши, бу йўлда хижрону азобларга тэйёр туриши лозим. Мутасаввиф шоир фикрича, юзаки ва сохта ибодат чинакам иймон-эътиқод ҳисобланмайди. Аллоҳни билиш ва таниш учун унинг сатҳини билиш заруратдир.

Шариатда иймоннинг иккинчи устуни Аллоҳнинг фаришталарига иймон келтиришдир. Оламдаги мавжуд нарсалар икки хил: биринчиси – сезги орқали мавжудлиги билинадиган нарсалар, иккинчиси – сезги орқали мавжудлиги билинмайдиган нарсалар. Хожа Исмаил ҳам сезги орқали ҳис қилинадиган нарсаларни “ғайб”, яъни тасаввуфда эътироф этиладиган “илми ғайб” деб ҳисоблайди. Алломанинг дунёқарашада ғайбга ишонмоқ иймоннинг камолотидан дарак беради. Бу ҳақда аллома шоир бир ғазалида шундай таърифлайди:

Мо аз он рўз, ки илми назар омўхтаем,
Ба жамоли ту чашм аз ду жаҳон дўхтаем.
Муфлиси ҳалқаи савдои ту донем, ки мо
Ҳосили ҳар ду жаҳон баҳри ту бифрўхтаем.
Масеҳвор дар шаби торик худо то рўз,
3-оташи рўи ту шамъи назар афрўхтаем.
Ҳар киҳо шамси жамоли ту дилсўхта аст,
Мо чу парвона дар андешаи он сўхтаем.
Ишқ варзидан, Исмаил, ба ту имрўзи манаст,
Мо назарбозию ишқ аз азал омўхтаем³.

Мазкур байтлардан таркиб топган ғазал, мазмунининг теранлиги билан диққатга сазовордир. Шунингдек, аллома “илми назар” ибораси орқали Нақшбандия таълимотининг рашхаларидан бирига эътиборни қаратганига гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни солиқ ўз мақсади йўлида қадам босар экан, унинг эътиборидан оламнинг мутлақ мўъжизаси четда қолмаслиги зарур.

¹Муршиди комил ҳикматлари. Доктор, профессор, Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон ҳикматларидан сайланма. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – С 17,39.

² Бухорий, Хожа Исмаил. Девон. – Техрон: Толоркитоб. Нашрга тэйёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. – Б. 291

³ Бухорий, Хожа Исмаил. Девон. – Техрон: Толоркитоб. Нашрга тэйёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. – Б. 423

Хожа Исмаи Бухорий асарларида исломнинг инсонпарварлик моҳиятини, илм ва маърифат йўлини талқин этади. Шу маънода унинг меросида диний-фалсафий масалалар ечимида аҳли сунна ва жамоа эътиқоди асосидаги мўътадил ахлоқий-тарбиявий ғоялар муҳим ўрин тутади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бухорий, Хожа Исмаи. Девон. – Техрон: Толоркитоб. Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. – Б. 291
2. Бухорий, Хожа Исмаи. Девон. – Техрон: Толоркитоб. Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. – Б. 423
3. Муршиди комил ҳикматлари. Доктор, профессор, Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон ҳикматларидан сайланма. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – С 17,39.

ОИЛА ВА НИКОҲДА ИСЛОМИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР АСОСИ

Дониёр Орифович ҒАФУРОВ

*Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси
фалсафа фанлари доктори (PhD)*

Бутун жамиятнинг даҳлсизлиги айнан оиланинг жипслиги билан боғлиқ. Демак, қайсики, жамиятда оилалар мустаҳкам эмас экан, бу жамият ҳарбий қудрати ва бойлигидан қатъий назар ҳалоқатга маҳкумдир. Оила покликка ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. Бу фарзандлар тарбияси ва жамият равнақи учун муҳим омил ҳисобланади.

Оила – жамиятнинг энг кичик зарраси бўлиб, жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Эр ва хотин–икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам–бу оиладир. Агар оила тинч-тотув, аҳил бўлса, олам тинч ва обод. Акс ҳолда, турмуш дўзахга айланади, оила зиндоннинг ўзи бўлади, бунинг жабрини эса, эр ва хотиннинг ўзигина эмас, балки фарзандлари, яқинлари ҳам тартади.

Оилани мустаҳкамлашда никоҳ муҳим аҳамият касб этади. Никоҳ кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш қароридир. Ўз уйида бахтли бўлган кишигина чинакам бахтлидир. Ҳар бир инсоннинг оила олдида, оиланинг эса жамият олдида масъулияти бор. Бу икки ижтимоий тушунчани бир-биридан айириш қийин. Оилада ҳаловат бўлмаса, хизмат жойида ҳам ҳаловат бўлмайди. БУгунги кунда оила мустаҳкамлигини нафақат ҳукуқий ҳужжатлар асосида балки қадриятларимиз бўлган шариат аҳкомлари асосида ҳам мутаҳкамлаш долзарб вазифадир. Оила, унинг жамиятдаги ўрни тўғрисида мутафаккир ва мутасаввифлар турли хил фикрлар берган. Никоҳ» луғатда кўшилиш, жамланиш, яқинлашиш маъноларини англатади. Шариатда эса, никоҳ бир боғланиш бўлиб, у туфайли икки боғланувчига бир биридан шаръий асосда қасддан ҳузурланишни ҳалол қилишдир. Ҳанафий мазҳабининг таърифида эса, никоҳ бир боғланиш бўлиб, у туфайли қасддан ҳузурланиш, яъни, эр кишининг никоҳида шаръий монъе бўлмаган аёл кишидан ҳузур олишини ҳалол қилишдир. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар доимо оиласиз юрган эркак ва аёлларга никоҳли бўлишни тарғиб қиладилар. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар ўғил-қизларини, яқин кишиларини уйлаб-жойлаб қўйиш учун бутун имкониятларини ишга соладилар.

Шунинг учун ҳам, мусулмонлар никоҳ ишида қийланиб қолган дин қардошларига доимо қўлидан келган ёрдамларини берадилар. Никоҳ масаласи, ўта нозик масала эканини кўрсатади. Бинобарин, баъзи кишиларнинг «қўли калталик»ни баҳона қилиб никоҳ ишини ортга суришлари мусулмончилик одобларига тўғри келмаслиги келиб чиқади. Дарҳақиқат, уйлаб кўрадиган бўлсак, кўпчилик авваллари бепарво бўлиб юрган бўлса ҳам, оилалик бўлганидан кейин жиддийлашиб, ҳаракатга тушиб, иқтисодий аҳволлари ҳам яхшиланиб кетганини кўрамиз. Маълумки, Пайғамбар алайҳиссаломлар Аллоҳ таолонинг энг суюкли, танлаб олган, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатган бандаларидир. Улар инсоният тарихи